

«Шайтон унга яқинлаша олмайди»

08:28 / 07.02.2019 16931

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Ким бомдод намозидан сўнг бир гап гапиришидан олдин:

??? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??? ??????????
????? ??? ???? ?????????? ?????? ?????????? ??????????
???????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????????

«Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду йухйии ва йумийту ва ҳува ъалаа кулли шай`ин қодийр», деб ўн марта айтса, у кишига ўнта яхшилик ёзилиб, ўнта ёмонлик ўчирилади ва ўнта даражага кўтарилади. Шу кунида ёмон кўрган нарсасидан сақланади. Шайтон унга яқинлаша олмайди. Ва шу куни бирорта ҳам гуноҳ қилишга йўлиқмайди. Фақат Аллоҳга ширк бундан мустасно».

Имом Термизий ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан